Ҳенри МАРШ

ОЗОР БЕРМА

Ҳаёт, ўлим ва нейрожарроҳлик

asaxiy BOOKS

УЎК: 497.36:25.12
КБК: 82.825.215
М 925

МАРШ, Ҳенри
Озор берма: Ҳаёт, ўлим ва нейрожарохлик [Матн]: ҲЕНРИ МАРШ – Тошкент: “OLTIN QALAM NASHRIYOTI” МЧЖ, 2023. – 320 б.

ISBN: 978-9910-9778-0-0

Таржимон
Ҳикматжон Толибжонов

Нашрга тайёрловчи
Хуршид Йўлдошев

“Asaxiy Books” лойиҳаси доирасида таржима ва чоп қилинди

Нейрожарроҳлик тиббиётнинг жуда нозик ва хатарли йўналиши. Чунки шифокорнинг арзимас эътиборсизлиги мудҳиш хатога сабаб бўлиши мумкин. Операция хонасида суперқаҳрамон ролига кирган нейрожарроҳга беморининг ишончи қанчалик куч беради? Унинг хатосини бемори ва яқинлари қандай қабул қилади?

Нейрожарроҳ учун қай бири муҳимроқ: бемор ҳаётини сақлаб қолишми ёки тинчгина ўлишига қўйиб бериш?..

Қўлингиздаги китоб Буюк Британияда фаолият олиб борувчи таниқли нейрожарроҳ Ҳенри Маршнинг ҳаётий ҳикояларидан иборат.

УЎК: 497.36:25.12
КБК: 82.825.215

ISBN: 978-9910-9778-0-0

© “Asaxiy Books” MChJ, 2023
© Henry Marsh 2014

Салом, ўқувчи!

Биз халқчил банк сифатида мижозларимиз мушкулини осон қилиш, мамлакатимиз тараққиётига ҳисса қўшиш мақсадида қарийб бир ярим асрдан бери халқ хизматидамиз. Тараққиёт илмсиз мукаммал бўлмайди, илмнинг азалий манбаси эса китобдир.

Юртдошларимизга жаҳон адабиётининг сўнгги намуналарини ўзбек тилида етказиш учун биз "Asaxiy Books" лойиҳаси билан ҳамкорликни йўлга қўйдик ва ушбу лойиҳа доирасида чиқадиган 20 та китоб нашрига кўмак беришга аҳд қилдик. Халқимизнинг, айниқса, ёшларнинг китобга қизиқишини оширишга, уларнинг китобга ошно бўлишига имкон қадар ҳисса қўшишдан бахтиёрмиз.

Ҳамкорлигимиз доирасида чоп этилаётган навбатдаги асар – таниқли инглиз нейрожарроҳи Ҳенри Маршнинг "Озор берма" китобидир. Ҳаётий воқеалар асосидаги ушбу асарда шифокор ўзининг гоҳ қувончли, баъзан эса қайғули якун топган жарроҳлик амалиётлари, беморлари билан боғлиқ самимий хотиралари ҳақида ҳикоя қилади. Шунингдек, соҳа вакилларининг одатда бизга қоронғи бўлиб қоладиган кечинмалари билан ҳам танишасиз. Умид қиламизки, китоб сизга манзур бўлади.

Самимият билан, Халқ банки

Ушбу китоб ёзилишига сабабчи бўлган
***Кейтга** бағишлайман*



“Аввало, озор берма...”

Одатда милоддан аввалги 460 йилда Кос оролида туғилган
Гиппократга тегишли деб қаралади

“Ҳар бир жарроҳнинг ичида вақти-вақти билан тазарру
қилишга борадиган кичик қабристони бўлади.
У муваффақиятсизликлари учун ушбу алам ва
надоматлар маконидан изоҳ изламоғи керак.”

René Leriche, La philosophie de la chirurgie, 1951
(Рене Лериш, “Жарроҳлик фалсафаси”, 1951)

Муқаддима

Шифохонада касал бўлиб ётсак ва ўлимдан қўрқиб, ваҳимали жарроҳлик амалиётини кутаётган бўлсак, даволаётган шифокорларга ишонишимиз керак. Йўқса, ҳаёт янада мушкуллашади. Қўрқувимизни енгиш учун докторларга ўта қудратли одам деб қарасак, бунинг ажабланарли ери йўқ. Операция муваффақиятли ўтса, жарроҳ – қаҳрамон, агар бирор кор-ҳол юз берса, у – ваҳший.

Ҳақиқат эса, албатта, батамом бошқача. Жарроҳ ҳам барча қатори одам. Яхшими, ёмонми, шифохонада содир бўладиган ҳодисаларнинг аксарияти омадга боғлиқ. Амалиёт муваффақиятли чиқиши кўпинча шифокорнинг қўлида эмас. Қачон операция қилиш кераклигини билиш уни қандай бажаришни билиш каби муҳим ва бу маҳоратни ўзлаштириш анча мушкул.

Нейрожарроҳнинг ҳаёти зерикарли кечмайди, аксинча, баъзан у инсонга чуқур қониқиш беради. Аммо бунинг ҳам ўз бадали бор. Хатолар муқаррар ва баъзида уларнинг даҳшатли оқибатлари билан яшашни ўрганишингизга тўғри келади. Кўрганингизга хотиржам қарашга одатланиш ва бунда инсонийликни йўқотмаслик керак. Ушбу китоб жарроҳликда талаб этиладиган раҳмдиллик ва ўзини узоқроқ тутиш, хаёлий истак ҳамда воқелик орасидаги мувозанатни топишга уринишларим ҳамда баъзан юз берадиган муваффақиятсизликлар ҳақида ҳикоя қилади. Мен нейрожарроҳлар ёки, умуман, шифокорларга омма ишончини сусайтирмоқчи эмасман, лекин китобим барчага улар дуч келадиган, техник эмас, кўпинча инсоний қийинчиликларни тушунишда ёрдам беради деган умидим бор.

Ангор аними

яқинлашаётган ўлимга аниқ ишонч ҳисси, одатдаги ўлим қўрқуви ёки ўлиш истагидан фарқ қилади

Киевга дастлаб украиналикларга алоҳида ёрдам бериш иштиёқи билан эмас (гарчи йигирма йилдан ортиқ вақт давомида улар билан ишлаётган бўлсам ҳам) қизиқувчанлик сабаб боргандим. Худди шу каби шифокорлик касбини ҳам унга бўлган чуқур иштиёқ эмас, ҳаётимдаги оғир ҳолат туфайли танлаганман.

Йигирма бир ёшга қадар оилам ва таълим аниқ белгилаб қўйган йўлдан бордим. Ўша пайтларда менга ўхшаган одамлар учун доим иш топиларди – нима қилишни хоҳлаётганингизни ҳал қилсангиз кифоя эди. Таниқли хусусий ва имтиёзли инглиз мактабида таълим олганман, кўп йилларимни лотин ҳамда юнон тилларини, кейин эса инглиз тили, тарихни ўрганишга бағишлаганман. Ўқишни тамомлаганимдан сўнг ўзим учун икки йил танаффус қилдим, кейин бир неча ой давлат архивида ишладим. У ерда ўрта асрга оид божхона ҳужжатларини таҳрир қилдим (танишлари кўплиги туфайли отам мени шу ишга жойлаб қўйганди). Сўнг инглиз адабиётидан дарс бердим. Кейинги бир йилни Ғарбий Африканинг бир бурчагида инглиз адабиётидан дарс берувчи кўнгилли ўқитувчи сифатида ўтказдим. Шундан сўнг Оксфордга ўқишга кирдим, у ерда сиёсат, фалсафа ва иқтисодни ўрганишни бошладим.

Тахминимча, тақдиримга академик ёки қанақадир маъмурий ишларда фаолият олиб бориш битилгандек эди. Ўша йилларда амалда деярли ҳеч қандай илм-фанга оид таълим олмадим. Онам томондан катта бобом ўтган аср бошларида Пруссия қишлоқларида шифокорлик қилганини ҳисобга олмасак, оиламда ҳеч қандай фан ёки тиббиёт соҳасига алоқадор одам бўлмаган. Отам таниқли инглиз ҳуқуқшуноси ва академик, онам эса фашистлар Германиясидан қочиб келган немис аёли эди. Агар онам Гитлер ёшлари иттифоқининг аёллар бўлими бўлган немис қизлари иттифоқига қўшилишдан бош тортмаганида, катта эҳтимол билан филолог бўларди. Шунинг учун онамни университетга қабул қилишмаган. Биргина пруссиялик шифокор бобомизни ҳисобга олмаганда, ҳар икки томондан ҳам оиламиз аждодлари ўқитувчи, руҳоний ёки савдогар бўлган (амаким эса 1940 йилда уриб туширгунларига қадар қирувчи самолёт учувчиси бўлган).

Оксфорддалигимда бир қизни севиб қолдим – бу жавобсиз севги эди. Ўзимга ачиниш хиссидан руҳан тушкунликка тушиб, университетни ташлаб кетдим. Бу эса, ўз навбатида, отамни жуда хафа қилди. *“Бешта енгил пьеса”* фильмининг охирида Аляскага кетиб қоладиган Жек Никольсоннинг қаҳрамонига тақлид қилишга уриниб, АҚШ шимолидаги кончилар шаҳарчасига қочиб кетдим ва ўша ерда шифохонага санитар бўлиб ишга кирдим. Олти ой вақтимни ана шу ерда кун бўйи беморларни операция столига ётқизиб-тушириш, деворлар ва жиҳозларни тозалаш ҳамда анестезиологларга ёрдам бериш билан ўтказдим.

Мен томи қат-қат бурмали темир билан ёпилган, ярим ташландиқ аҳволдаги юқумли касалликлар шифохонасининг кичкина хонасида яшардим – у ифлосланган Уансбек дарёсининг сербалчиқ қирғоғида жойлашганди. Шифохона денгиз кўмиридан қорайиб кетган соҳилдан бир неча километр узоқликда эди. У ерда йирик кўмир билан ишловчи иссиқлик электр станцияси бў-

либ, уни узоқдан, хонамнинг деразасидан кўра олардим. Станциянинг баланд қувурлари денгиздан эсадиган шамолга оппоқ тутун ва буғ пуркарди. Кечаси кўтарилаётган буғни турбина заллари ёнидаги кўмир уюмлари узра осилган ёйсимон чироқлар ёритиб турар, бундан юлдузли осмон остида бульдозерлар қандай ўрмалаётганини кўра олардим. Ҳатто ўз-ўзимдан илҳомланиб ҳаваскорона шеър ҳам ёздим, унда бу манзарани дўзах ва жаннат аралашмаси деб атадим. Ёшлик даврига хос ҳис-туйғуларга тўлиб-тошган ҳолда ўзимни қондек қизил ва қордек оппоқ дунёда яшаётгандай ҳис этдим, ваҳоланки, мен кўрган операция унчалик ҳам қонли бўлмаган, қиш эса илиқ, қорсиз кечганди.

Ўзимни жуда-жуда ёлғиз ҳис этардим. Ортга назар ташласам, афтидан, ўшанда касаллик ва изтироблар йиғилган жой, яъни шифохонада ўз бахтсизлигимни англашга уринганман. Эҳтимол, мана шу жараёнда ўсмирлик ташвишлари ҳамда жавобсиз севги азобларидан халос бўлгандирман. Шунингдек, бу нарса камбағал ва нияти холис отамга қарши ўзига хос исён эди, у ўша пайтгача кўп нарсада ҳаётим йўналишини белгилаб берганди. Олти ой ўтгач мен уйга, оилам ва ўрта қатламга тегишли фаолиятимга (фақат ўз хоҳишим билан танлайдиганимга) қайтишни жуда хоҳладим. Ярим йил давомида жарроҳларнинг фаолиятини кузатиб, шуғулланишим керак бўлган иш мана шу деган қарорга келдим. Бу касбдаги назорат қилинадиган ва фидокорона куч ишлатишни жуда жозибали деб топдим. Жарроҳлик қизғин, эртанги куни хавфсиз касбга ўхшарди, у нафақат жисмоний, балки ақлий меҳнат қилишни тақозо этарди, бундан ташқари, у инсонга қудрат ва ижтимоий мавқе берарди. Шундай бўлса-да, саккиз йил ўтгандан кейингина – кичик шифокор сифатида биринчи аневризма жарроҳлигига гувоҳ бўлган пайтимда ўз қизиқишимни кашф этдим.

Бир йил узоқда юрганимга қарамай, Оксфорддаги коллежда даража олиш учун қайтиб, ўқишимни якунла-

шимга рухсат беришди. Кейинроқ Лондондаги табиий фанлардан ягона тиббиёт мактабига қабул қилиндим, у ерга бошланғич маълумоти йўқ талабаларни хам олишарди. Табиий фанлардан на O[1], на A[2] даражам борлиги учун бошқа барча Лондон тиббиёт мактабларидан рад жавобини олдим. Ниҳоят қиролликнинг бепул тиббиёт мактабига қўнғироқ қилдим. Улар эртаси куни суҳбатга боришимни айтишди.

Суҳбатни кичкина ва тор хонада тиббиёт мактабининг регистратори, трубка чекадиган кекса шотландиялик олиб борди. У бир неча ҳафтадан сўнг пенсияга чиқиши керак эди. Балки, у мени ўзига хос ҳазил сифатида ёки фаолияти якунланганини нишонлаш учун ўқишга қабул қилгандир ёки суҳбат пайтида хаёли тамоман бошқа ёқда бўлгандир. У мендан чивин билан балиқ овлаш ёқадими, деб сўради. “Йўқ” деб жавоб бердим. Унинг сўзларига кўра, тиббиётга энг яхшиси илм-фан ёки санъат сифатида эмас, балки ҳунармандчиликнинг бир тури сифатида қараш керак. Кейинчалик ўзим ҳам шу тўхтамга келганман. Суҳбат беш дақиқа давом этди ва у менга уч ҳафтадан кейин ўқишни бошлашим мумкинлигини айтди.

Ўшандан бери тиббий ўқув юртларига танлов оғирроқ жараёнга айланди. Билишимча, ҳозир мен ишлаётган Лондоннинг йирик шифохонаси қошидаги тиббиёт мактаби бўлажак шифокорларни танлашда кўплаб тартиблар қатори актёрлар билан роль ўйнаб беришдан ҳам фойдаланади. Асабий номзодлар ёмон хабарларни етказа олиш (масалан, актёрга унинг мушугини машина босиб кетганини айтиш каби) қобилиятини намойиш этишлари керак. Айтишларича, агар номзод ролни жиддий қабул қилмаса, дарҳол рад этилади. Бу жараён мен бошдан ўтказган суҳбатдан яхшироқми ёки йўқми,

[1] Буюк Британияда умумий таълим сертификатининг оддий даражаси.
[2] Шу мамлакатда мажбурий умумий таълим дастурининг илғор даражаси. Бу даражада олинган юқори баҳолар нуфузли университетларга кириш кафолатини беради.

назаримда, ҳали ўз исботини топмаган. Кўриниб турганидек, муваффақиятли номзодни танлашда актёрлар ёрдам беради.

Дастлаб тиббиёт бакалавриатининг табиий фанлар бўйича тезлаштирилган бир йиллик тайёрлов курсига кирдим. Сўнг унинг давоми сифатида тиббий таълимнинг беш йиллик стандарт бакалавриат курсида ўқидим. Кейинги йили тайёрлов курсини ёпишмоқчи эди, шунинг учун бу бўлим ўзига хос илмий академик хилват жойга айланиб қолганди: бизга маъруза ўқийдиган ўқитувчиларнинг ўзини тутиши ғалати ва кўпинча норози кайфиятда юришарди, аммо уларнинг кўплари ўз фаолиятини энди бошлаётганди. Улар тез орада бошқа жойга ўтиб кетишди. Улардан бири машҳур илмий ёзувчига айланди, бошқаси охир- оқибат торилар партиясининг[3] аъзоси ва раиси бўлди. Қолаверса, бизга яқинда нафақага чиқадиган кекса профессорлар ҳам дарс беришган. Улардан баъзилари тайёрлов курсидаги ғалати аралашмани ёқтиришмас, буни яшириб ҳам ўтиришмасди: талабалар орасида биржа брокери, Саудия маликаси, "Форд" юк машиналари сотувчиси билан бирга А даражасидаги баҳолари паст бўлган ёш талабалар (биттаси шуни ҳам сохталаштиргани маълум бўлди) ҳам бор эди. Кунимиз биология дарсида катта оқ қуёнларни аста-секин ёриб кўриш ва қисмларга ажратиш, кимё дарсида кимёвий моддаларни титрлаш, физикадан тушунарсиз маърузаларни тинглаш билан ўтарди. Баъзи ўқитувчилар илҳомлантирадиган, бошқалари эса кулгили эди. Атмосфера хавотирли ва жазава ёқасида эди: шифокор бўлишни жуда хоҳласак-да, кўпчилигимиз ўзимизни муайян сабабларга кўра бунга ноқобил ҳис этардик, аммо хотирам панд бермаётган бўлса, якуний имтиҳондан ҳамма ўтганди.

Шундан сўнг икки йил клиникадан олдинги фанлар – анатомия, физиология, биокимё ва фармакологияни ўргандим, кейин эса шифохонада уч йиллик ама-

[3] Буюк Британия консерватив партияси.

лий машғулот ўтадим. Анатомия курси учун биз кичик гуруҳларга бўлиндик ва ҳар бир гуруҳга мумиёланган мурда беришди, биз уни йил давомида аста-секин қисмларга ажратиб чиқдик. Мурдалар бошида ҳам жуда жозибали бўлмаса-да, йил охирига келиб биратўла аянчли кўринишга келиб қолди. Улар Узун хона деб аталадиган ойнаванд шифтли баланд ва кенг чордоқда сақланарди. Хонанинг ҳар икки томонида олтитадан аравачада бўлакланган даҳшатли тана қисмлари ётар, улар устига ям-яшил брезентлар қопланганди. У ердан формальдегиднинг ўткир ҳиди анқирди.

Дарснинг илк куни мурдани ёриш бўйича янги сотиб олинган қўлланмаларимиз ва қўпол матога ўралган жарроҳлик асбобларини тутганча Узун хонага олиб борадиган зинапояда бироз асабий ҳолатда навбатга турдик. Ниҳоят, унинг эшиги тантанали очилди ва биз ўзимизга ажратилган, ҳали тегилмаган жасадлар билан танишиш учун одимладик. Асрлар давомида тиббий таълимнинг анъанавий таркибий қисми бўлиб келган бундай тажрибадан ҳозир деярли фойдаланишмайди. Тирик, қонга тўла тананинг тузилиши ёриб кўриш учун мумиёланган ёғли, кулранг мурда анатомиясидан кескин фарқ қилади. Шунинг учун ҳар қандай жарроҳ ҳақиқий анатомияни қайтадан ўрганишига тўғри келади. Ўликларни ёриб кўришдан олган билимларимиз чекланган бўлса-да, у кундалик ҳаётдан касаллик ва ўлим дунёсига ўтишимизни белгилайдиган, бизни унга ўргатадиган муҳим дебоча эди. Бундан ташқари, машғулотлар фаол ижтимоий алоқани таъминларди, чунки бир гуруҳ курсдошлари билан "ўз" мурдаси атрофида ўтирган одам, ундан ўлик тўқималарни ажратиб, тозалаб оларкан, ёддан билиш керак бўлган турли атамаларни – веналар, артериялар, суяклар, ички органларнинг номлари ва уларнинг ўзаро боғлиқлигини ўрганарди. Эсимда, айниқса, одам қўлининг анатомиясига жуда қизиқиб қолгандим. Анатомия бўлимида ёриб кўришнинг турли босқичларида кесилган қўллар солин-

ган пластик қоп бор эди, улардан мен Везалийга[4] тақлид қилиб, рангли чизмалар ясашни яхши кўрардим.

1979 йилда тиббиёт факультети талабасининг калта оқ халатидан фарқли ўлароқ, кичик шифокорнинг узун оқ халатини кийиб, ўзим амалиёт ўтаган шифохона палаталарига қадам қўйдим. Ўшанда ўзимни жуда муҳим одам деб ҳисоблаганман. Кейинроқ бошқа шифохоналарда талабалар узун халат, амалиёт ўтовчи шифокорлар эса калта халат кийишини билиб, хижолатда қолдим. Ўз ваколатим рамзи сифатида кўкрак чўнтагимда стетоскоп ва пейжер (халқ тилида қўнғироқ деб аталади), ён чўнтакларимда эса қон тўхтатувчи жгут ва фармакологик йўриқномани ғурур билан олиб юрардим. Тиббиёт институтини тугатгандан сўнг бир йил давомида кичик шифокор – топшириқларни бажарувчи бўлиб ишлаш керак, шундан ярим йили жарроҳлик бўлимида, қолган олти ой терапевтик бўлимда ўтади. Агар умумий амалиёт шифокори бўлиб қолмай, шифохона врачи, жумладан, жарроҳ бўлишни истасангиз, иложи бўлса, ўзингиз талабалик даврида амалиёт ўтаган клиникага ишга киришингиз керак. Катта шифокорларга шу йўл билан ўзингизни танитасиз, чунки келгуси фаолиятингиз батамом уларнинг ҳомийлигига боғлиқ бўлади.

Мен жарроҳ бўлишни хоҳлардим – ҳар ҳолда ўзим шундай деб ўйлардим – шунинг учун амалиёт ўтаган шифохонамдаги жарроҳлик фирмасидан жой олдим. Гуруҳ таркиби шифокор-консультант, катта ординатор, кичик ординатор ва стажёрдан иборат эди. Мен “2-да 1” режимида ишлардим, яъни ҳафтанинг беш куни оддий иш куни, бундан ташқари, ҳар иккинчи кеча ва ҳар иккинчи дам олиш кунлари навбатчиликда турардим. Шундай қилиб, ҳафтасига тахминан 120 соат вақтимни шифохонада ўтказардим.

[4] Ўрта асрларда яшаган нидерландиялик шифокор, анатомист Андреас Везалий (1514–1564), илмий анатомия асосчиси.

Ўрнимда мендан аввал ишлаган ҳамкасбим пейжерни топшираётиб, хўжайинни қандай хурсанд қилиш ва ўлаётган беморларга қандай ёрдам бериш ҳақида икки оғиз маслаҳат берганди (маъруза ва китобларда бу икки мавзуга тил тегизилмайди). Узоқ иш соатлари менга тақдим этган қудрат ва аҳамиятлилик ҳиссидан роҳатландим. Аслида, мажбуриятларим кўп эмасди. Кечаю кундуз янги беморларни қабул қилиш, таҳлилга қон олиш, иш қоғозларини тўлдириш ва йўқолган рентген плёнкаларини қидириш билан банд бўлардим. Одатда бироз мизғиб олардим, тунда тез-тез безовта қилишларига кўникиб кетгандим. Вақти-вақти билан жарроҳлик хонасида ёрдам берардим: жарроҳлар бемор устида титкиланаётганда ретрактор қадалган қорин бўшлиғини узоқ соатлар давомида ҳаракатсиз, очиқ ушлаб туришим керак бўларди. Ҳозир ўттиз йил ўтиб ўтмишга назар ташласам, ўшанда ўзимни ўта муҳим одамдек ҳис қилганим кулгили туюлади.

Шифохонада кичик врачлар жамоаси аъзоси бўлиш менга ёқарди. Лекин жарроҳлик бўлимида бир неча ой стажёр сифатида ишлаб, келажакда тиббиёт соҳасида ишлашимга ишончим камайди. Жарроҳлик операция хонасида стажёр сифатида ишлаганимда олганим юзаки таассуротларимдан мутлақо бошқача бўлиб чиқди. У ёқимсиз, бадбўй ички органлар, сфинктерлар[5] ва тана суюқликларидан иборатга ўхшарди. Шу иш билан шуғулланадиган баъзи жарроҳларни ҳам бирдек ёқимсиз деб топгандим. Лекин тан олишим керак, бир нечта жарроҳ-устозларимнинг таъсирисиз ҳеч қачон шу касб эгаси бўла олмасдим. Улар нафақат операция вақтидаги техник маҳорати, балки беморларга меҳрибонлиги билан ҳам мени илҳомлантирган. Талабалик ҳаётим ва стажёр сифатида ишлаган йилларимда бирорта ҳам нейрожарроҳлик операциясини кўрмаганман. Нейрожарроҳлик бўлимининг операция хонасига кириш тақиқланарди.

[5] Организмдаги тешик ёки найчаларни ўраб турган ва ҳимоя қилиш ёки ёпишга хизмат қиладиган мушак ҳалқаси.

Одамлар бу жой ҳақида қўрқув ва эҳтиром аралаш титроқда, бироз ваҳима билан гапиришарди.

Стажёр сифатидаги кейинги олти ойлик амалиётимни Лондон жанубидаги ташландиқ шифохонада ўтказдим. XIX асрда бинода майда жиноятчиларнинг жазони ўташ муассасаси жойлаштирилган, айтишларича, ўшандан бери у маҳаллий аҳоли орасидаги қайғули номидан халос бўлолмаган. Бу Британия жамоатчилигининг маҳаллий соғлиқни сақлаш тизимига бўлган садоқатини тушунарсиз кўринишга олиб келган шифохоналардан эди. Беморлар эски муассасанинг ҳар икки томонда ўнлаб каравоти бўлган катта-катта, хунук хоналарига қорамолдек жойлаштирилган. Тасодифий жароҳатларни даволаш (тез ёрдам) бўлими биринчи қаватда, интенсив терапия ва жонлантириш бўлими эса унинг қоқ тепасида эди. Лекин шифохонада фақат битта лифт бор, унга бориш учун асосий йўлак бўйлаб 400 метрча юриш керак бўларди. Агар беморни зудлик билан травматологиядан жонлантириш бўлимига ўтказиш керак бўлса, бу вазифа навбатчи стажёр шифокорга юкланарди. У санитар билан биргаликда беморнинг каравотини бутун касалхона бўйлаб йўлак охирига етаклаб бориши, сўнг лифтда тепага кўтарилиб яна шунча масофани босиб ортга қайтиши керак бўларди. Мен буни имкон қадар тезроқ бажаришга уринардим: йўлакда одамларни итариб юборардим, катта, эски лифтда шовқин солганча назоратни қўлга олиб, долзарблик ва ҳаяжон ҳиссини уйғотардим. Клиник жиҳатдан шундай қилиш зарурлигига шубҳам бор, лекин телевизорда мана шунақа қилишарди ва бу менга қизиқ туюларди. Кечаси кўп ухламасам ҳам, шифокорлар ошхонаси ва бар ишлаб турар, уни куннинг исталган вақтида менга таом таклиф этишга тайёр бўлган испаниялик хушмуомала хоним бошқарарди. Шифохонанинг асосий биноси ёнида ҳатто майсазор ҳам бўлиб, у ерда ҳамкасбларим – кичик шифокорлар билан вақт топганимизда крокет ўйнардик.

Бу жарроҳлик бўлимидаги стажёр шифокорлик вазифамга қараганда анча юкламаси оғир ва масъулиятли иш эди. Лекин доим ҳам устимдан назорат қилаверишмасди. Тез орада кўплаб амалий кўникмаларни ўзлаштирдим, лекин бу сабоқлар доим ҳам ёқимли кечмасди. "Фирма"даги мансабларнинг энг қуйи босқичида турардим. Келган барча беморларни дастлабки кўрикдан ўтказиш (уларнинг кўпи травматология бўлими орқали оғир аҳволда шошилинч қабул қилинганди), шунингдек, палаталарга жойлангач, уларни парваришлаш вазифам эди. Тез орада тушундимки, беморни аввал ўзим кўрмай туриб, у ҳақида катталарга хабар қилмаслигим керак. Навбатчиликда турган илк кечамда шундай хатога йўл қўйдим: ҳамширалар чақирганида беморни кўргани боришдан олдин ординатордан маслаҳат сўрадим, бунга жавобан бир дунё сўкиш эшитдим. Шундай қилиб, ҳеч қандай тажрибасиз ва кучли хавотирда келган ҳар бир беморни текшириб кўрардим, сўнг нима қилиш борасида бир қарорга келишга уринардим. Вазият яхши эканига чиндан ҳам ишончим комил бўлмасагина катталарга қўнғироқ қилишга ботина олардим.

Ўша шифохонада иш бошлаганимдан кўп ўтмай, бир куни тунда шошилинч тиббий ёрдам бўлими палатасидаги нафаси қисаётган ўрта ёшли беморни кўришга чақиришди. Бу муаммо бўлимнинг одам гавжум хоналарида кўп учрайди. Дарҳол ўрнимдан туриб, оқ халатимни кийдим (доим устимдаги кийимим билан ухлардим, камдан-кам ҳоллардагина бир ёки икки соатдан кўпроқ мизғиб олишим мумкин бўлар, чунки ярим тунда шошилинч тиббий ёрдам бўлими ёки палаталарга тез-тез чақиришарди). Кейин икки томонига йигирмата каравот қатор қўйилган катта ва қоронғи хонага кириб бордим. Каравотларда безовталанган, хуррак отган ва қимирлаётган таналар ётарди. Иккита ҳамшира хона ўртасида стол ёнида ўтирганча зулматдаги ягона ёруғлик манбаи – кич-

кина чироқ ёруғида ҳужжатлар билан овора эди. Улар кўришим керак бўлган беморга ишора қилишди.

– У кеча шубҳали МИ билан қабул қилинган, – деди ҳамширалардан бири, МИ – миокард инфаркти, яъни юрак хуружи сўзларининг қисқартма шакли саналади.

Эркак каравотига қаддини тик тутиб ўтириб олган, кўринишидан қаттиқ қўрқиб кетганди. Унинг юрак уриши тезлашган, шунингдек, тез-тез нафас оларди. Бемор кўкрагига стетоскопни қўйиб, юрак уриши, шунингдек, нафас олишига қулоқ тутдим. Сўнг ЭКГ – юрак ритмини кўрсатадиган электрокардиограмма қилдим. Ҳаммаси жойидадек туюлди, шунинг учун уни тинчлантириб, юрагида жиддий муаммо йўқлигини айтдим.

– Менга нимадир бўляпти, доктор. Бунга ишончим комил, – деди эркак.

– Ҳаммаси жойида, шунчаки хавотирдасиз, – бироз бетоқатлик билан жавоб қилдим унга тезроқ ўрнимга қайтгим келиб. Чиқиб кетаётганимда у менга умидсиз нигоҳини қадади. Унинг оғир нафаси ҳалигача қулоғимдан кетмайди, қатор каравотларда ётган нотинч таналар орасидан юриб борарканман, бу овоз худди айблаётгандек ҳамон таъқиб этарди. Эшик олдига етганимда тўсатдан унинг нафаси тўхтаб, палатани ўлик сукунат қоплади. Мен ваҳима билан орқага, унинг каравоти томон отилдим ва эркак аллақачон жойига шалвираб тушганини билдим.

– Қўнғироқни босинг! – дея бақирдим ҳамшираларга ва беморнинг кўкрагини босиб, юрак фаолиятини тиклашга урина бошладим.

Бир неча дақиқадан сўнг ҳамкасбларим кўзларини ишқалаганча хонага тушишди. Ярим соатча вақтимиз беморнинг юрак фаолиятини тиклашга беҳуда уриниш билан ўтди. Ординаторим аввалги ЭКГ тасвирига қаради.

– Бу юрак қоринчаси тахикардиясига ўхшайди, – деди у норози оҳангда. – Шуни пайқамадингизми? Дарҳол менга қўнғироқ қилишингиз керак эди.

Мен индамадим.

Илгари бу туйғу *ангор аними* (лотин тилидан таржима қилинганда қалб изтироби) деб номланган. Баъзи одамлар юрак хуружига дучор бўлганида ўлими олдидан бу туйғуни ҳис этадилар. Орадан ўттиз йилдан кўпроқ вақт ўтди. Лекин ўшанда юз буриб кетганимда менга тикилиб турган ўлаётган киши юзидаги умидсиз ифода ҳозир ҳам яққол кўз ўнгимда туради.

***

Ишда бироз тушкун, аммо ҳаяжонли шиддат бор эди. Тез орада талабалик йилларимдаги альтруизм – бошқаларга холис хизмат қилиш, уларнинг бахт-саодати учун ўз манфаатимни қурбон қилиш ҳиссидан асар қолмади. Кейин беморларга ҳамдардлик билдириш анча осонлашди, чунки келажакда улар билан содир бўладиган вазиятлар учун жавобгар эмас эдим. Муваффақиятсизлик қўрқуви доим масъулият билан бирга юради. Беморлар эса хавотир, стресс, баъзида муваффақиятдан келадиган ғурурланиш манбаига айланиб қолади. Энди мен ҳар куни ўлимга дуч келардим, одамлар кўпинча жонлантиришга уриниш жараёнида ва баъзан ички қон кетишидан ўларди. Аслида, юрак-ўпка реанимацияси телевизорда кўрсатилганидан кескин фарқ қилади. Кўп ҳолларда у одамни ҳаётга қайтариш учун ачинарли, шафқатсиз уринишлардан иборат ва ҳатто кекса беморларнинг қовурғалари синишига сабаб бўлиши мумкин. Бундан кўра улар тинчгина ўлишига қўйиб берилса, яхшироқ бўларди.

Шундай қилиб, аста-секин дийдам қотиб, тошга айланиб бордим (бу шифокорлар учун жуда зарур). Беморларни ўзим каби жуда муҳим, ҳеч ким дахл қила олмайдиган ёш шифокорлардан бутунлай алоҳида ирқ сифатида кўра бошладим. Бугун, фаолиятимнинг якунига яқинлашар эканман, ўзимдаги бу узоқлашиш, бегоналик аста йўқола бошлади. Муваффақиятсизликдан энди унча қўрқмайман, чунки уни қабул қила бошладим ва у менга камроқ таҳдид соладигандек. Бундан ташқари, ўтмишда

қилган хатоларимдан сабоқ олдим. Энди ўзимни улардан камроқ узоқлаштираман. Қолаверса, ёш ўтган сари мен ҳам беморларим каби гўшт ва қондан иборатлигимни, худди улар сингари ожизлигимни инкор эта олмайман. Шундай экан, энди уларга аввалгидан кўпроқ ачинаман. Биламанки, эртами-кечми, мен ҳам улар каби гавжум шифохона палатасида ҳаётимдан қўрқувга тушиб, тўшакка михланаман.

Стажёр сифатидаги амалиёт йилим якунлангач, Лондон шимолидаги ўзим таҳсил олган шифохонанинг интенсив терапия (жонлантириш) бўлимига катта ординатор сифатида қайтдим. Кундан-кунга мендаги ишонч сусайиб бораётган бўлса-да, жарроҳ сифатида малака оширишга қарор қилдим. Реанимацияда ишлаш эса бу йўлда биринчи фойдали қадамдек туюлди. Ишим, асосан, ҳужжат тўлдириш, осма укол қилиш, қон олиш ва вақти-вақти билан кўкрак қафасига дренаж ўрнатиш ёки бўйиндаги катта томирларга игна киритиш каби мароқли инвазив муолажалардан иборат эди. Барча амалий йўл-йўриқларни анча малакали кичик шифокорлар берарди. Айнан реанимация бўлимидаги ишим туфайли операция залларига кирдим. У ерда аневризма операцияларини томоша қилдим ва бу жарроҳлик фаолиятимни бошлашга туртки бўлди.

Энди нима қилишни хоҳлаётганимни аниқ билардим, шунинг учун ҳаётим анча осонлашганди. Бир неча кундан кейин ўзим кузатган жарроҳлик амалиётида аневризмага қисқич қўйган нейрожарроҳ билан учрашдим. Унга нейрожарроҳ бўлишни хоҳлаётганимни айтдим. У яқинда эълон қилинадиган бўш иш ўрни – нейрожарроҳ ординатори лавозимига ҳужжат топширишимни айтди. Ўзим қўлида стажёр бўлиб ишлаган катта умумий жарроҳлардан бири билан ҳам гаплашдим. Бу одам жудаям меҳрибон инсон, унга эҳтиромим беҳад чексиз. У ўзимни бўлажак мия жарроҳи сифатида танитишим ва келгуси фаолиятимни режалаб олишим учун дарҳол мамлакатдаги энг катта нейрожарроҳлардан иккитаси билан учрашув уюштириб

берди. Ўша йилларда нейрожарроҳлик кичкинагина бир олам бўлиб, бутун Буюк Британиядаги консультантлар сони юзта ҳам чиқмасди. Ўша икки жарроҳнинг бири Ист Энддаги “Рояль Лондон” қироллик шифохонасида ишларди. Ўта самимий бу инсонни кабинетида сигарет чекиб ўтирганида учратдим. Деворларга пойга машиналари суратлари осилган, билишимча, у “Формула-1” ҳайдовчилари билан ишлаган. Унга ич-ичимдан нейрожарроҳ бўлиш истагида ёнаётганимни айтдим.

– Хотинингиз бу ҳақда қандай фикрда? – деб сўради у энг аввало.

– Ўйлашимча, у буни яхши фикр деб ҳисоблайди, сэр, – дедим мен.

– Яхши, лекин менинг биринчи хотиним бундай ҳаётга чидай олмади. Уни бошқа моделга алмаштиришга мажбур бўлдим, – жавоб қилди у. – Биласизми, нейрожарроҳлик машғулотлари ҳаётни оғирлаштиради.

Бир неча ҳафта ўтгач, иккинчи таниқли нейрожарроҳ билан суҳбатлашиш учун Саутҳемптонга бордим. Бу шифокор ҳам аввалгисидек дўстона муносабатда бўлди. У тўкилаётган қизғиш сочлари ва мўйлови билан мен ўзим кутган нейрожарроҳдан кўра, назаримда, кўпроқ қувноқ деҳқонга ўхшарди. Касаллик тарихи билан тўлиб-тошганидан ҳатто ўзи кўринмай қолаёзган столи ортида ўтирган бу одамга нейрожарроҳ бўлиш иштиёқим ҳақида гапириб бердим.

– Хотинингиз бу ҳақда қандай фикрда? – сўради у.

Ҳаммаси яхши бўлишига уни ишонтирдим. Суҳбатдошим бироз жим қолди.

– Биласизми, жарроҳлик ишнинг осон қисми, – деди у ниҳоят. – Менинг ёшимгача асосий қийинчилик тўғри қарор қабул қилишда эканини англаб оласиз.

Акинетик мутизм

гапира олмаслик, ихтиёрий ҳаракат ва ҳиссий сезги йўқолиши билан тавсифланувчи синдром

Неврология нуқтаи назаридан, катта эҳтимол билан инсонда руҳ мавжуд эмас, чунки биз ўйлайдиган ва ҳис қиладиган ҳамма нарса нерв ҳужайралари ўртасидаги электрокимёвий импульслар алмашинуви холос. Биздаги ўзлик ҳисси, ҳис-туйғуларимиз, фикрларимиз, бошқа одамларга бўлган муҳаббатимиз, орзу-умидларимиз, қўрқувларимиз ва нафратимиз – буларнинг барчаси мия билан бирга ўлади. Кўпчилик бундай қарашдан қаттиқ ғазабланади, чунки бу бизни ўлимдан кейинги ҳаётдан маҳрум қилиш билан бирга, инсон фикрларини электрокимёвий импульс даражасига туширади, одамни руҳсиз машинага айлантиради деб ўйлайди. Аммо улар қаттиқ адашади: аслида бу нуқтаи назар материяни биз тушунмайдиган, бутунлай сирли нарса даражасига кўтаради. Миямизда 100 миллиардга яқин нерв ҳужайралари мавжуд. Уларнинг ҳар бирида онгимизнинг бир парчаси борми? Онгли бўлиш учун қанча нерв ҳужайраси керак? Оғриқни ҳис қилиш учун-чи? Ёки онгимиз ва тафаккуримиз миллиардлаб ҳужайраларни бирлаштирадиган электрокимёвий импульсларда жойлашганми? Шиллиқуртда онг борми? Кимдир уни босиб олса, оғриқни ҳис қиладими? Буни ҳеч ким билмайди.

Анча йиллар давомида менга кўплаб беморларни юборган таниқли ва ажойиб невролог бир сафар мендан доимий вегетатив ҳолатда бўлган бир аёлни текширишимни сўради. Уни бир йил олдин операция қилгандим. Аёлда артериовеноз мальформация бор эди, бу эса мияда ҳаёт учун хавфли қон кетишини келтириб чиқарганди. Операция осон кечмади, беморнинг ҳаётини сақлаб қолдим-у, қон кетиши натижасида мияга етказилган шикастни тузата олмадим. Операциядан олдин аёл комага тушиб қолиб, бир неча ҳафта шу ҳолатда ётганди. Жарроҳлик амалиётидан бир неча ҳафта ўтгач, беморни яна маҳаллий касалхонага ётқизишди ва юқорида тилга олган менга таниш невролог назорат қилди. Ҳамкасбим аёл ногиронлар уйига ётқизилгандан кейин ҳам уни бир кўришимни сўради. Бироз аввалроқ беморнинг миясига гидроцефалияга қарши шунт қўйгандим. Касаллик дастлабки қон кетишининг кечиккан оқибатларидан эди.

Шунтни ўрнатиш – кичик жарроҳлик амалиёти, шунинг учун уни одатда кичик шифокорларга топшираман. Бу сафарги операция яхши эсимда, чунки уни ўзимиздаги нейрожарроҳлик бўлимида эмас, балки маҳаллий касалхонада қилганман. Ўз жарроҳлик хонамдан ташқарида деярли ҳеч қачон операция қилмайман, албатта, хориждагилари бундан мустасно.

Ўзим билан қатор асбоблар солинган идиш ва ординаторларимдан бирини олиб, бемор ётган шифохонага бордим. Катта нейрожарроҳнинг одатда мия операциялари қилинмайдиган шифохонага бориши у ердаги ходимларни қизиқтирадиган муҳим воқеа бўлади деб ўйлагандим. Бироқ беморнинг умидсизликка тушган оиласидан ташқари ҳеч ким келганимни пайқамагандек эди. Борган пайтим сафарда бўлган маҳаллий невролог беморнинг оиласига жарроҳлик амалиёти унинг доимий вегетатив ҳолатини енгиллаштириши мумкин, деб айтган экан. Мен бу даражада оптимист эмасдим, буни уларга ҳам айтдим. Бироқ йўқотадиган ҳеч нарса йўқ эди. Суҳбатдан кейин

жарроҳлик хонасига йўл олдим. Ходимлар операцияга тайёр эканини айтишди.

Ҳамширалар ва анестезиологлар мени буткул бефарқ кутиб олишди. Бундан сал хижолат бўлдим. Беморни олиб келишгунча икки соат кутишга тўғри келди. Ниҳоят операция бошланган пайти ходимлар бўшашиб ва маъюс жимжитликда ишлай бошлашди. У ердаги муҳит ўзимнинг дўстона ва фаол жарроҳлик хонам муҳитидан кескин фарқ қиларди. Улар мени қимирлай олмайдиган одамни операция қилиб, вақтни беҳуда ўтказяпти деб ҳисобладими ёки ўзларини доим шундай тутишадими, буни ҳеч қанақасига билолмадим. Ишимни якунлаб, беморнинг оиласига хабар бердим ва Лондонга қайтдим.

Бу иккинчи операциядан ойлар ўтиб, шунт беморга ёрдам бермагани маълум бўлди. Невролог уни текшириб кўришимни ва найча блокланиб қолмаганига ишонч ҳосил қилишимни хоҳлади. Фақат фикримни билиш учунгина аёлни тез ёрдам машинасида шунча масофадан олиб келиш унга нисбатан шафқатсизликдек ва кераксиз ишдек туюлди. Ҳеч қандай ёрдам бера олмаслигимни билганим учун истамайгина аёл ётган ногиронлар уйига боришга кўндим.

Доимий вегетатив ҳолатдаги беморлар эс-ҳуши жойидадек кўринади, чунки кўзлари очиқ бўлади, лекин улар ташқи оламдан хабардорлиги ёки сезгисини кўрсатмайди. Баъзилар уларнинг онги ишлаб турганини айтади, лекин бу онгда ҳеч қандай маъно йўқ. Улар бўш қобиққа айланади. Тананинг ичида ҳеч ким бўлмайди.

Бироқ миянинг функционал томографияси билан яқинда олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ҳаммада ҳам бундай эмас. Бу беморларнинг баъзилари индамас ва таъсирларга жавобсиз бўлса-да, уларнинг миясида маълум бир фаоллик бордек, улар ташқи оламни тушунаётгандек туюлади. Бироқ бу нимани англатиши ҳали тўлиқ аниқланмаган. Улар қандайдир абадий уйқудами? Жаннатдами ёки дўзахдами? Ёки ўзлари ҳам билмай-

диган онгнинг кичик бир қисмини сақлаб қолиб, ташқи дунёни ноаниқ тасаввур қиладиларми?

Сўнгги йилларда бир нечта шов-шувли суд ишлари бўлиб ўтди ва уларни тирик ушлаб турган даволашни тўхтатиш (чунки ўзлари еб-ича олмайди) ва тинчгина ўлишига қўйиб бериш керакми ёки йўқми деган масала кўрилди. Баъзи ҳолларда судьялар даволашни тўхтатиш ва вегетатив беморларни ўлишига қўйиб беришни тўғри деб топди. Бироқ ўлим тез юз бермайди: бемаъни қонунларимиз беморларнинг аста-секин очлик ва сувсизликдан ўлишини талаб қилади, бу одатда бир неча кун давом этади.

Кечки соат саккизда амбулатория бўлимидаги ишимни тугатиб, куз оқшомида Лондондан жўнаб кетдим. Неврологнинг уйига етиб боргунимча кеч тушди. У мени ўз машинасида бир неча километр узоқликдаги ногиронлар уйига олиб борди. Бу баланд ва қадимий дарахтлар билан ўралган ёқимли қишлоқ уйи эди. Машинани автотураргоҳга қўйганимизда атрофни зулмат қоплаганди. Қуруқ баргларга тўлиб-тошган кимсасиз теннис корти ёнидан ўтиб борарканмиз, дарахт шохлари орасидан ногиронлар уйининг йўлни ёритиб турган чироқларига кўзим тушди. Католик роҳибалар бошқарадиган уй мияси жиддий шикастланган беморларга мўлжалланганди. Ичкари тоза ва озода, ходимлар ҳам жуда ғамхўр, самимий эди. Мен бир йил олдин шунт қўйиш операциясини ўтказган шифохонадан бу ернинг фарқи жуда катта эди. Диндор католик роҳибалари инсоннинг бутун моҳияти миянинг жисмоний яхлитлигига боғлиқлигини таъкидловчи неврологларнинг фикрига қўшилмайди. Аксинча, номоддий руҳ мавжудлигига бўлган кўп асрлик ишонч уларга вегетатив ҳолатдаги беморлар ва уларнинг оилалари учун меҳрибонлик ҳамда ғамхўрлик уйини яратиш имконини берганди.

Роҳиба билан бирга улкан зинапоядан беморни кўришга чиқдик. Бу уйда асли ким яшаганини ўйлаб қол-

дим – балки Эдуард VII давридаги капиталист ёки ундан кичикроқ зодагон ўзининг кичик хизматкорлар гуруҳи билан бирга яшагандир. Қизиқ, у ўзининг муҳташам мулкидан қандай фойдаланишаётганини билса, нима деб ўйлаган бўларди?

Биз иккинчи қаватдаги гиламли кенг йўлак бўйлаб, кўплаб хоналар ёнидан ўтиб бордик. Икки томондаги палаталар эшиги очиқ, ичкарида қимир этмай ётган беморлар кўринарди. Ҳар бир эшик ёнига беморнинг исми ёзилган ялтироқ лавҳа ёпиштирилган. Улар умрининг охиригача бир неча йил шу ерда қолади. Шу сабаб маълумотларини оддий шифохонадаги беморларнинг номлари каби қоғоз парчасига эмас, махсус лавҳачага ёзган тўғрироқ. Ўқиган исмларимнинг камида бештаси собиқ беморларимга тегишли эканини билиб даҳшатга тушдим.

Ўзим ҳурмат қиладиган, мени ўқитган катта нейрожарроҳлардан бири рицарлик даражасига кўтарилган жарроҳ ҳақида ҳикоя қилиб берганди. Ўз вақтида устозим унга шогирд бўлиб хизмат қилган экан.

“У одатда бош суягини очиш учун ишлатиладиган асбоб – распатор ёрдамида эшитиш органлари ўсмаларини олиб ташларди. Аксарият жарроҳлар бир неча соатда қиладиган операцияни у атиги ўттиз-қирқ дақиқада тугатарди. Бу услуб қачондир фалокатга олиб келиши муқаррар эди. Эшитиш нервида йирик ўсмаси бўлган бир аёлни эслайман. Жарроҳ распатор билан умуртқа артериясини кесиб олди, бу эса кучли қон кетишини келтириб чиқарди. Аёл тамом бўлгани аниқ эди. Кесмани тикишдан бошқа иш қолмади. Шунга қарамай, ҳар куни роппа-роса кеч соат еттида унга қўнғироқ қилиб, барча беморларнинг аҳволи ҳақида хабар беришим керак эди.

Шундай қилиб, унга ётган барча беморлар ҳақида бирма-бир маълумот бердим. Охирида эшитиш нервида ўсмаси бўлган аёлни эслатиб ўтдим. Уни Б. хоним деб чақирардик – исмини ҳалигача унутмаганман. ‘Б. хонимни йўқотяпмиз’, дедим ёки шунга ўхшаш гап айтдим. ‘Б.

хоним? – жавоб берди у. – Ким у?' Жарроҳ аллақачон беморини унутганди.

Қанийди, менинг хотирам ҳам худди шундай бўлса. Буюк жарроҳларнинг хотираси кўпинча ёмон бўлади", – деганди устозим ўшанда ўйчан ҳолда.

Мен яхши жарроҳман деган умиддаман. Лекин буюк жарроҳ эмаслигим аниқ. Ютуқларимни эмас, кўпроқ муваффақиятсизликларни эслайман ёки ўзим шундай деб ўйлайман. Лекин мана шу ногиронлар уйида аллақачон эсимдан чиқиб кетган собиқ беморларим ҳам бор. Улардан баъзиларига шунчаки ёрдам бера олмадим. Лекин улар орасида, стажёрларимнинг содда ва бетакаллуф таъбири билан айтганда, мен ҳалокатга дучор этган камида битта одам бор эди.

Кўп йиллар олдин, ёшлик иштиёқига тўла пайтим бир бемордаги йирик ўсмани олиб ташлаш учун ноўрин операция қилгандим. Жараён ўн саккиз соат давом этган ва тунги соат иккиларда бемор мияси стволини қон билан таъминловчи базиляр артерияни беихтиёр шикастлаб қўйдим. Шу билан бемор уйғонмади...

Шу одамнинг кулранг, буришган танасини каравотда кўрдим. Эшик ёнидаги лавҳа бўлмаганида уни ҳеч қачон танимасдим.

Текширишим керак бўлган бемор аёл жимгина, қимирламай ётар, оёқ-қўллари қотиб қолган, кўзлари ҳамон очиқ, юзи ифодасиз эди. У маҳаллий газетанинг жўшқин ва ғайратли журналисти бўлиб ишлаган. Кейин миясига шикаст етказган кучли қон кетиши юз берган. Операциям уни тузата олмади. Деворларда аёлнинг ўша даҳшатли воқеадан олдин тушган бахтиёр ва жилмайган фотосуратлари бор эди. Вақти-вақти билан у инграган товушлар чиқарарди. Бош териси орқали игна киритиб, шунтни текширишимга бир неча дақиқа кифоя бўлди. Унга бошқа ҳеч қандай ёрдам бера олмасдим.

Афтидан, аёл бир бармоғини қимирлата олар ва Морзе алифбоси ёрдамидаги махсус ускуна орқали мулоқот

қиларди. Бир ҳамшира унинг ёнига ўтирди, қошини енгил чимирганча, сабр билан диққатини жамлаб чийиллаган товушни тинглади. Кейин уларни менга таржима қилиб берди. Ҳамширанинг айтишича, бемор шунт ҳақида сўраган, сўнг у менга раҳмат айтиб, хайрли тун тилаган.

Онаси беморнинг ёнида эди ва биз бирга хонадан чиқдик. Ташқаридаги кенг йўлакда у менга умидсиз нигоҳ билан юзланди. Биз бироз гаплашдик, она қизининг хатлари – ҳамширалардан бири Морзе алифбосидан таржима қилиб унга юборган мактублар ҳақида гапирди. Ва ҳамширалар ёзган гапларни ҳақиқатан қизи айтганига шубҳаси борлигини айтди.

Албатта, буни аниқ билишнинг иложи йўқ. Беморнинг онаси даҳшатли тушда, мавҳумлик ва умидсиз севги лабиринтида яшайди. Қизи на тирик, на ўлик. Чиндан ҳам унинг ҳаракатсиз, ҳиссиётсиз юз ифодаси ортида тирик онг борми? У фалажланган танасидан ташқарида нималар содир бўлаётганини биладими? Ҳамширалар унинг барча хатларини атайлаб ёки беихтиёр тўқиб чиқаришганми? Балки эътиқоди уларни алдаётгандир? Бу саволларнинг жавобини қачондир била олармиканмиз?

Ҳибрис (кибр)

такаббурлик ёки кибр; (қадимги юнон трагедиясида)
ўта магрурлик ёки исён маъбудалар
ғазабига сабаб бўлади

Эрталаб Уимблдондаги “Маркс & Спенсер”га бориб, жарроҳлик хонаси ходимлари учун бир қути мева ва шоколад сотиб олдим. Мусиқа коллекциямни саралаб, кун бўйи ва туннинг бир қисмида эшитиш учун етарлича компакт дискларни танладим. Чунки олдинда узоқ давом этадиган операция кутарди. Консультант жарроҳ сифатида ишлаётганимга атиги тўрт йил бўлди, лекин аллақачон ўзим танийдиган бошқа нейрожарроҳларга қараганда кўпроқ малакам бор. Бемор ёши элликдан ошган мактаб ўқитувчиси бўлиб, бўйлари баланд, кўзойнак таққан, бироз энгашиб ҳасса тутиб юрарди. Маҳаллий невролог томография қилдиришни буюрган, кейин уни менга юборган.

Ўшанда ҳамон эски шифохонада ишлардик. Эркакни кабинетимда қабул қилдим. Хонанинг қатор деразалари қайинзорга қараганди. Баъзан ташқарида маҳаллий тулкилардан бири ўтиб кетаётиб менга ўйчан қараб қўярди.

Бемор хотини ва ўғли билан келганди. Биз иш столим атрофидаги стулларга ўтирдик. Улар келтирган томография тасвирларини олиб, деворга осилган негатоскопга жойладим. Компьютерлар даврига ҳали анча бор эди.

Тасвирлар нимани кўрсатишини олдиндан билардим, лекин бош суяк тубида ўсаётган ўсманинг катталигидан ҳайратим ошди. Миянинг бутун стволи ва бош суягининг барча – эшитиш, ҳаракатланиш, юзни сезиш, ютиш рефлекси ҳамда нутқ учун масъул бўлган нервлар даҳшатли букур масса устида таранг чўзилганди. Бу ниҳоятда катта петрокливал менингиома эди. Илгари бундай ўлчамдаги ўсмаларни фақат дарсликларда кўрганман. Кейинроқ Украинада шунга ўхшаш кўплаб ҳолатларга дуч келдим. Ўшанда даҳшатли ўсмалари бўлган беморлар бутун мамлакатдан фикримни билиш учун келишарди. Ҳаяжонланишни ҳам, хавотирланишни ҳам билмай қолдим.

Иш столимга қайтиб, эркакнинг ёнига ўтирдим.

– Бу ҳақида олдин сизга нима дейишган? – сўрадим кейин.

– Невролог бу безарар ўсма деган, – жавоб берди у. – Уни олиб ташлаш керакми ёки йўқми, сиз ҳал қиларкансиз.

– Албатта, безарар, лекин у жуда катта. Бундай ўсмалар жуда секин ўсади, шунинг учун айтишим мумкинки, у анча йиллардан бери бўлган. Дастлаб томография қилишга сизни нима ундади?

Айтишича, сўнгги йилларда юриши беқарор бўлиб қолганини сезган, бундан ташқари, чап қулоғи пастроқ эшита бошлаган.

– Агар ўсма ўрнида қолса, нима бўлади? – деб сўради беморнинг ўғли.

Мен сўзларимни эҳтиёткорона танлаб, ўсма оҳиста ўсишда давом этишини, беморнинг аҳволи аста-секин ёмонлашишини айтдим.

– Соғлигим ёмонлашгани сабабли эртароқ пенсияга чиқишга қарор қилдим, – деди эркак.

Уларга операция хавфли бўлиши мумкинлигини тушунтирдим.

– Қандай хавф? – хавотирланиб сўради ўғли.

Бу жуда жиддийлигини айтдим. Миянинг кўп қисмлари ўсма яқинида, операция карлик ва юз мушаклари-

нинг фалажлигидан тортиб, инсульт ва ўлимгача эҳтимолий салбий оқибатларни келтириб чиқариши мумкин эди. Бемор ва яқинларига жарроҳлик амалиётининг аниқ хавфини тасвирлаб бердим.

Бир муддат учовлари ҳам жим қолишди.

– Америкалик профессор Б. билан боғлангандим, – деди ниҳоят беморнинг ўғли. – У операция қилиш кераклигини ва буни зиммасига олиши мумкинлигини айтди.

Нима дейишни билмадим. Катта шифокор сифатидаги фаолиятимни эндигина бошлагандим ва бошқа, анча тажрибали ҳамкасбларим борлигини яхши билардим. Ўша йилларда дунёнинг таниқли нейрожарроҳларига ҳавас қилардим. Конференцияларда улар бош маърузалар билан чиқиш қилишар, ёнимда турган беморники каби ҳолатларни ва эришган ажойиб натижаларини кўрсатишарди. Ўша пайт бу ютуқларнинг даражаси мен қилган ишлардан анча баланд эди.

– Лекин бу операция 100 минг долларга тушаркан, – деб қўшимча қилди беморнинг хотини. – Бунга бизнинг қурбимиз етмайди.

Ўғли бироз хижолат тортгандай кўринди.

– Бизга айтишдики, профессор М. мамлакатдаги энг яхши нейрожарроҳ экан. Унинг ҳам фикрини билиш учун ўша одамни кўрмоқчимиз.

Ўзимни камситилгандек ҳис қилдим. Аммо бир нарса аниқ: операция ҳар қандай жарроҳ учун ниҳоятда қийин бўлади.

– Яхши фикр, – дедим мен. – Унинг фикрини эшитиш мен учун ҳам қизиқ бўларди.

Улар хонамдан чиқиб кетишди. Мен эса амбулатор қабулларимни давом эттирдим.

***

Икки ҳафта ўтгач Гейл профессор М. мен билан гаплашмоқчи эканини айтди.

Гўшакни кўтардим, ундан профессорнинг жарангдор, ишончли овози эшитилди. Бу одамни амалиёт йилларимдан бироз билардим: у, албатта, зўр жарроҳ эди, ҳамма стажёрлар унга ўхшашни орзу қиларди. Профессор ўзига тўлиқ ишонарди. Уни яқинда нафақага чиқади, деб эшитгандим.

– Ҳа, Ҳенри! – деди у. – Петрокливал ўсмаси бор одам. Уни олиб ташлаш керак. У ютинишда айрим муаммоларга дуч кела бошлади, энди аспирацион зотилжамга дучор бўлишини вақт кўрсатади. Бу эса унинг тамом бўлганини англатади. Ундаги ўсма – ёшлар қиладиган операция. Уларга операцияни сиз қилишингиз кераклигини айтдим.

– Катта раҳмат, профессор, – деб жавоб бердим бироз ҳайратга тушиб. Лекин худди Папанинг марҳамати билан сийлангандек хурсанд бўлдим.

Шундай қилиб, ўзим узоқ вақт давом этади деб ўйлаган жарроҳлик амалиётига ҳозирлик кўрдим. Бу воқеа кўп йиллар олдин юз берган. Ўшанда шифохоналар бутунлай бошқача бўлган. Қилишим керак бўлган барча иш – жарроҳлик хонаси ходимлари ва анестезиологлардан одатдагидан сал узоқроқ қолишларини сўраш эди. Бунинг учун менежерлардан рухсат олиб ўтирмасдим.

Операция деярли тантанали руҳда бошланди. Бош мия операцияси мураккаб амалиёт эди. Менга ёрдамлашаётган америкалик ординатор уни "Катта сенсация" деб атади.

Беморнинг бош суягини очаётган пайтимиз таниқли америкалик нейрожарроҳлар ҳақида гаплашдик.

– Профессор Б. чинакам ажойиб жарроҳ, ўз соҳасининг устаси, – деди ординаторим. – Лекин, биласизми, ҳозирги иш жойига ўтишидан аввал стажёрлар уни қандай аташган? Уни "қассоб" дейишарди, чунки мана шу мураккаб операциялар билан маҳоратини ошириб боргани сари, кўплаб беморларнинг ҳаётини барбод қилган. Унда ҳалигача даҳшатли асоратлар юз бериб туради. Би-

роқ бу ҳолатлар профессорни сира ташвишга солмайдиганга ўхшайди.

Дарҳақиқат, нейрожарроҳликдаги аччиқ ҳақиқат шуки, мураккаб операцияларни кўплаб тажрибалардан кейингина яхши бажара бошлайсиз. Бу эса дастлаб анча хатолар қилиб, ортингиздан бир нечта ногирон беморлар билан из қолдиришингизни англатади. Менимча, бу ишни давом эттириш учун одам озроқ телба ёки ҳеч бўлмаганда териси жуда қалин бўлиши керак. Кўнгилчан шифокор қачондир таслим бўлиб, табиатга қарши чиқишни тўхтатади ва оддийроқ беморлар билан шуғулланади. Бир пайтлар ўғлимни операция қилган собиқ бошлиғимнинг ҳам кўнгли жуда юмшоқ эди. У доим бир гапни таъкидларди: "Агар беморга шикаст етиши мумкин бўлса, бунга мен сабабчи бўлгандан кўра уни тақдирнинг ҳукмига топширганим маъқул".

– АҚШда, – деб давом этди ординаторим, – имкониятлар кўпроқ, лекин бизда соғлиқни сақлаш тизими – тижорат. Бу тизимда ҳеч ким ўз хатоларини тан олмайди.

Операциянинг дастлабки бир-икки соати муаммосиз ўтди. Биз ўсмани аста-секин, бўлак-бўлак қилиб олиб ташладик. Ўн беш соатдан кейин, ярим тунда гўё ундан деярли ҳеч нима қолмаган ва бош суяги нервлари шикастланмагандек эди. Мен чиндан ҳам катта нейрожарроҳлар сафига қўшилаётганимни ҳис эта бошладим. Ҳар бир ёки икки соатда танаффус олардим, ходимлар хонасидаги ҳамшираларга қўшилиб ўзим билан олиб келган озиқ-овқатлардан тамадди қилардим, сўнгра сигарет чекардим (Бир неча йил ўтгач, чекишни ташлаганман). Хонада байрамона муҳит ҳукм сурарди. Иш билан банд пайтимиз тинимсиз мусиқа янграб турди. Эрталаб ўзим билан Бах, "АББА"дан тортиб Африка куйларигача ҳар хил компакт дискларни олиб келгандим. Эски шифохонада жарроҳлик амалиёти пайтида деярли ҳар доим мусиқа тинглардим. Ҳамкасбларим учун баъзи танловларим ғалати туюлса-да, умуман олганда, мусиқа тинглаш уларга

маъқул келгандек эди. Айниқса, беморнинг бошини тикаётган пайтимиз эшитадиган Чак Берри, Б.Б. Кинг ва бошқа фаст-рок ёки блюз мусиқалари уларга жуда ёқади. Биз уларни "ёпиш мусиқаси" деб атардик.

Ишни шу ерида тўхтатиб, ўсманинг охирги қисмини жойида қолдиришим керак эди. Лекин уни бутунлай олиб ташлаганимни айтиб ғурурланиш истаги устунлик қилди. Машҳур нейрожарроҳлар конференцияларда кўрсатадиган операциядан кейинги тасвирларда ўсмадан ҳеч қачон қолдиқ қолмаган бўлади. Қандайдир хавф туғдирса ҳам, шубҳасиз бу тўғри иш эди.

Ўсманинг охирги бўлагини олиб ташлашни бошлаганимда, базиляр артериядан йўғон тўғноғич қалинлигидаги кичикроқ шохчани узиб олдим. Ёрқин қизил рангдаги артериал қоннинг ингичка оқими фавворадек отила бошлади. Бу фалокат эканини дарҳол англадим. Қон кетиши унчалик кучли эмас, уни тўхтатса бўлади. Бироқ мия стволининг шикастланиши жиддий хавф эди (базиляр артерия мия стволини тирик ушлаб туради. Ўз навбатида мия стволи миянинг қолган қисмларини уйғоқ ҳолатда сақлайди). Натижада операциядан кейин бемор ҳеч қачон уйғонмади. Шу сабаб етти йилдан сўнг уни ногиронлар уйида тўшакка михланган ҳолатда кўрдим.

Жарроҳликдан кейинги бир неча ҳафта давомида ҳар куни жонлантириш бўлимида беморнинг беҳуш ётганини кўриш қанчалик оғриқли эканини тасвирлай олмайман. Ростини айтсам, ҳозир бу воқеалар яхши эсимда қолмаган. Уларнинг ўрнини яқинда юз берган фожиалар эгаллаб бўлган. Лекин унинг қариндошлари билан бўлган кўплаб қайғули суҳбатларимиз ҳануз хотирамдан кўтарилганича йўқ. Чунки бўлиб ўтган ишга қарамай, биз барибир бемор бир куни уйғонишига умид қилгандик.

Нейрожарроҳларга хос бу тажриба уларнинг барига яхши таниш. Бошқа жарроҳлик йўналишларида асосан беморлар ё ўлади ёки ойлаб палатада қолмай тузалиб кетади. Бундай мавзуларни ўзаро муҳокама қилмаймиз,

фақат улар ҳақида эшитганимизда хўрсиниб, бош чайқаб қўямиз. Шунда кимдир ичингиздан ўтаётган ҳиссиётларни тушунганини англайсиз. Баъзилар бунга эътибор бермаганга ўхшайди, лекин бундайлар жуда кам. Эҳтимол, айнан ўшалар бир кун буюк нейрожарроҳ бўлишар.

Охир-оқибат, бечора беморни маҳаллий шифохонага юборишди. У ҳамон комада эди, лекин энди сунъий нафас олдириш аппаратини узиб қўйишганди. Кейинчалик ногиронлар уйига ётқизишган, шундан бери ўша ерда қолган. Акинетик мутизми бўлган аёлни кўришга борганимда кўриб қолганим – мана шу беморимни зўрға танидим.

Кейинги бир неча йил давомида шунга ўхшаш ҳолатларга дуч келсам (улар унчалик кўп эмас), ўсмани операция имконсиз деб топдим. Бечора беморларда эса бошқа жойга бориш ёки нур билан даволанишдан ўзга чора қолмади. Лекин йирик ўсмаларда нур муолажаси ҳам деярли самара бермайди. Ўша йиллари оилам бузилган, эски шифохона эса ёпилган эди. Буни англаганманми ёки йўқми, билмайман, бироқ ўшанда бироз тушкун ҳолатда бўлганман. Шундаям ўзимни анча дономан деб ҳисоблагим келарди.

Шунга қарамай аста-секин жасоратим қайтди ва ўзимдаги кибрнинг аянчли оқибатларидан яхшигина дарс олдим. Ва бу сабоқлардан ўша турдаги ўсмалар билан ишлашда анча яхши натижаларга эришиш учун фойдаландим. Агар зарурат туғилса, операцияни бир неча босқичда – бир неча ҳафта давомида амалга оширардим. Ҳамкасбларимдан бири билан ҳарбий сафдаги ҳайдовчилар сингари соатма-соат ўрин алмашиб ишлашга одатландик. Ўта мураккаб туюлса, ўсмани охирги қисмигача олиб ташлашга интилмайдиган бўлдим. Энди операциянинг етти ёки саккиз соатдан ортиқ давом этишига камдан-кам ҳолларда рухсат берардим.

Лекин муаммо шундаки, бунақа ўсмалар жуда кам учрайди. Буюк Британияда аксарият нейрожарроҳлар

мураккаб амалиётларни тажрибали ҳамкасбларига бергиси келмайди. Ўз ишининг устаси бўлмаганларнинг фазилатларига ишониладиган маданият билан эса ҳеч бир индивидуал жарроҳ АҚШдаги баъзи ҳамкасбларимиз каби кўп тажриба орттира олмайди. Америкада беморлар кўп, демак, шундай ўсмаси борлар ҳам кам эмас. Беморларнинг ишончи ва ҳурмати Буюк Британиядагига қараганда камроқ. Улар ўзларини арзгўйлардан кўра кўпроқ истеъмолчига ўхшатади, эҳтимол, шунинг учун беморлар ўзини тажрибали жарроҳ даволаши ҳақида кўпроқ қайғуради.

Йигирма беш йиллик фаолиятимдан сўнг анча тажрибали мутахассисга айландим деб ўйлагим келади. Лекин узоқ ва машаққатли бу йўлда биринчи операциям каби даҳшатли бўлмаса-да, кўп муаммоларга дуч келдим. Бир неча йил олдин машҳур рок мусиқачининг синглисидаги худди шундай ўсмани операция қилдим. Бир неча ҳафта оғир ўтган бўлса-да, аёл буткул соғайиб кетди. Унинг акаси ўз хайрия жамғармасидан менга катта миқдорда пул ажратди. Бу маблағ Украина ва бошқа давлатлардаги фаолиятимни молиялаштиришда ҳалигача ёрдам беради. Шундай қилиб, энди айтишим мумкинки, кўп йиллар олдин ўтказилган аянчли жарроҳлик амалиётимдан нимадир яхши нарса ҳам чиқди.

Ўша куни яна иккита сабоқ олдим. Биринчиси: ўзимдан тажрибалироқ жарроҳ рад этган операцияни қилмаслигим керак. Иккинчиси: конференциялардаги баъзи бош маърузаларга озгина шубҳа билан қараш зарур. Ва энди жарроҳлик амалиёти вақтида мусиқа тинглай олмайман.

Китобни тўлиқ ўқиш учун қуйидаги
ҳаволага ўтинг:

http://asaxiy.uz/u/655b3450c3519